

НАЗАР ЭШОНҚУЛНИНГ «МАЙМУН ЕТАКЛАГАН ОДАМ» ҲИКОЯСИДА ШАХС ВА ЖАМИЯТ ТАЛҚИНИ

Дўстбек Сулаймонов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10701555>

Аннотация. Уибу мақолада Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикоясида шахс ва жамият талқини ҳақида кенг мулоҳаза юритилган.

Калим сўзлар: истеъодод, образлар олами, ноанъанавий талқин, Адиб, сўз санъати, ҳикоя.

INTERPRETATION OF PERSONALITY AND SOCIETY IN NAZAR ESHANQUL'S STORY "MAN LED BY A MONKEY".

Abstract. In this article, Nazar Eshanqul's story "A Man Led by a Monkey" discusses the interpretation of personality and society.

Key words: talent, world of images, non-traditional interpretation, Adib, poetic art, story.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛИЧНОСТИ И ОБЩЕСТВА В РАССКАЗЕ НАЗАРА

ЭШАНГУЛА «ЧЕЛОВЕК, ВЕДОМЫЙ ОБЕЗЬЯНОЙ».

Аннотация. В данной статье в рассказе Назара Эшангула «Человек, ведомый обезьянкой» рассматривается трактовка личности и общества.

Ключевые слова: талант, мир образов, нетрадиционная интерпретация, Адиб, поэтическое искусство, рассказ.

Кейинги йиллар ҳикоячилигига ўз истеъодини намоён қилаётган ижодкорлардан бири Назар Эшонқулдир. Адиб асарларида ўзига хос услугуб, образлар олами, ноанъанавий талқин хусусиятларини юзага чиқара олган ижодкордир.

Сўз санъатида янги тамойилларнинг шаклланиши, наср ва назмда XX асрнинг 80 - йиллар адабиётида кўзга ташлана бошлади. Бу ҳақида истеъододли ижодкор Хуршид Дўстмуҳаммад ёзади: «1989 йилнинг 6 январ куни замонавий ўзбек насли тарихида фавқулодда воқеа юз берди: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояси эълон қилинди!.. «Маймун етаклаган одам» шу маънода ноанъанавий эди.

Ҳикоя ҳажман тўрт-беш қоғоздан каттароқ, қисқа ва лўнда ҳам ёзилмаган, айниқса, ундаги мунгли-вазмин оҳанг кўп йиллар мобайнида ёзувчиларимиз кўнигирилган ясама кўтаринкилиқдан мутлақо фарқланди». Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги ҳикоячилигимизда муҳум фазилатлардан бири адиларнимизнинг ширин ёлғондан узоқлашиб, ҳаётнинг конкрет ва реал муаммолари хусусида сўз юритаётганлиги билан ажралиб туради.

Бунинг натижасида шахс психологиясини жамият, табиат воқеа ҳодисалари билан омухта яъни бирликда бадиий-фалсафий тадқиқ этиш тамойили кучайиб бормоқда. Чунки халқимиз йиллар мобайнида собиқ шўроларнинг «баҳт-саодат»га бўлган ишончига эътиқод қилиб яшади. Бугунги адабиёт эса ўзлигини таниб, эркин ва соғлом фикрловчи индивидуал қаҳрамонлар образини яратиш йўлидан бормоқда.

Кейинги йиллар ҳикоячилигига олам ва одам сир-саноатларини фалсафий идрок этишга қаратилган инсон тафаккури бош қаҳрамонга айланмоқда. Ҳозирги

ҳикоячилигимизда шахсни ижтимоий-психологик планда таҳлил қилиш бадиий-эстетик тадқиқотчиликнинг муҳум хусусиятларидан биридир. Шу нуқтаи назардан Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояси шахс ва жамият ўртасидаги узвийликни, ижтимоий муҳитнинг шахс характерини ва психологиясини ўзгаришига таъсир этиш жараёнларини жуда гўзал ўз аксини топади.

Ҳикояда психологик таҳлил, шахс ва жамият ўртасидаги узвийлик, туйғулар реализми ўзгача кўринишга эга.

Бу ҳикояда қаҳрамон исм-шарифли эмас. Умрининг сўнггида рассомлик билан шуғулланиб келаётган шахс тилидан яъни унинг ҳаётини акс эттирганини гувоҳи бўламиз.

Қаҳрамон талқинида ўша давр қиёфасини ва унинг фожеий ҳолатларини рамзий акс эттиради. «Рамз -воқеликнинг тимсолидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло тош эмас, тошга йўнилган хаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи - ана шу хаёлни ярат олишда кўринади», - деб ёзди Назар Эшонқул.

Ҳикояда шахс концепцияси ва ижтимоий муҳит масаласи рамзий образлар зиммасига юклangan фалсафий мазмундорлик орқали ёритилган. Инсоннинг маънан ва фикран комиллик хусусиятларига эга бўлиши учун тафаккур эркинлигига етишиши зарур.

Инсон мустақил фикрлаш, ҳаётга асосли қараш, у ёки бу масалада ўз қарашларини ишончли баён эта олиш учун ҳам онгдаги занжирларни, бир ёқлама қарашларини, тўсиқларни етиб ўтиши талаб қилинади: «...Охирги, айвоннинг бурчагига осиб қўйилган суратнинг тагига «1921» санаси ёзиб қўйилган эди: чол шу йилдан бошлаб расм чиза бошлаган бўлса керак, деб ўйладим.

Сурат анча укувсизларча чизилган бўлса-да, ранглар ёрқин ва тиниқ эди. Суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган барваста гавдали йигит тасвириланган эди. Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган киshan таранг тортилган эди. Расмда чол нима демоқчи бўлганини тушунмасам-да, лекин йигитнинг юзидаги ишончдан ҳайратга тушдим».

Юқорида келтирилган парчадаги алоҳида дикқат қилиниши лозим бўлган ҳолатлардан бири шуки, бу - бўйинга киshan тортилган маймун ҳамда йигитнинг ишончдан порлаган кўзлари. Маймун билан нур чукур рамзий маънодорликка эга.

Кейинги йиллар ҳикоячилигига ҳам инсон «мени»ни тадқиқ ва таҳлил этиш хусусиятлари кенгайиб борди. Чунки бадиий адабиёт ўз тараққиётининг барча давларида инсонни турли тамондан ва турли қамровдан тадқиқ этиб келинган.

Айниқса, адаб ҳикояларида қаҳрамонни муҳит, жамият ва сиёsat билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида эмас, балки такрорланмас, ўзига хос олам сифатида ўрганишга эътибор кучайди.

Ҳаётни, кишилар жамиятини тасвирилаш учун турли рамзий, мажозий образларга мурожаат қилганлигига амин бўламиз.

Адабиётшунос Умарали Норматов бу ҳақда: «Ҳикоя қаҳрамони мўйқалами томонидан яратилган ўз ижодий-ижтимоий фаолият ибтидоси ва интиҳосига даҳлдор икки бадиий палотно - коронғу тўқайзордан «нурафшон маскан» сари маймун етаклаб чиқаётган навқирон шижааткор йигит ва қари маймун етагида тўқайзор томон қайтаётган

мункиллаган чол сурати, айни ўша рамзий-символик тимсоллар ташийдиган маънонинг теран ва кўламдорлиги, қаҳрамон хаёт йўлининг чукур таҳлили», - деб таъкидлайди.

Дарҳакиқат, маънисиз ўтган умр манзаралари жуда асосли талқин этилади. Маймун қаҳрамоннинг мутеликка маҳкум этилган кўнгли. Шу боисдан ҳам рассом чол тақдири, ҳаёти билан боғлиқ хар бир детал, ҳолат, кайфият ҳикоянинг бадиий-психологик ҳолати юзага келтиради.

«Маймун етаклаган одам» ҳикоясида ижтимоий муҳитнинг, даврнинг қурбонига айланган шахс сиймоси, мутеликка, қулликка ўрганган кўнгил тимсоли ҳам янгича услубда ўз талқининини топади.

Хуллас, истеъоддли ижодкор Назар Эшонқулнинг бу ҳикояси насримиздаги ноанъанавий талқин хусусияти билан бир қаторда шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятларни ҳам ўз таркибга сингдиради. Ўша давр ва шахсларининг маънавий қиёфасини очиб беради.